

ШАРТНОМА № 48

Урганч шаҳар

«04» 02 2024 йил

Хоразм вилояти «Матбуот тарқатувчи» Маъсулияти чекланган жамияти бундан буён матнда «Тарқатувчи» деб аталувчи номидан Г.Шарипов амалга оширувчи бир томондан Хоразм вилояти ҳисоб-рақами бундан буён матнда «Обуначи» деб аталувчи номидан И.С.Султонов низомга асосан фаолият кўрсатувчи, иккинчи томондан, қўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома мазмуни:

1.1. «Тарқатувчи», «Обуначи»нинг талабига кўра Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларда чоп этиладиган обуна каталогига киритилган ушбу шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган даврий нашрларга обуна уюштириш бўйича «Тарқатувчи» ва «Обуначи» ўртасида шартнома тузадилар.

1.2. Расмийлаштириладиган обуна нашрларининг рўйхати ва обуна нархи обуна нашрларини етказиб бериш манзили, шартноманинг ажралмас қисми саналувчи иловада кўрсатилади.

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1 Шартноманинг умумий қиймати (ҚҚС суммаси билан) 455 400 000 (тўрт есимасон) сумми ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1 «Обуначи» «Тарқатувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 100 фоизини олдиндан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури ички ҳисоб-рақам

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1 Шартнома имзоланган кунидан бошлаб кучга киради расмийлаштирилган обуна нашрлари тулик олгунига қадар амалда бўлади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1 «Тарқатувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1 Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Обуначи»дан талаб қилишга;

5.1.2 «Обуначи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишдан асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга;

5.1.3. «Обуначи» нинг розилиги билан алоҳида тўлов эвазига қўшимча хизматлар кўриш (даврий босма нашрларни сақлаш, обуна бўйича даврий босма нашрларни қайта манзиллаш ва бошқалар)

5.2. «Обуначи»чи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

5.2.1 навбатдаги обуна ойдан бошлаб бутун обуна даврига ёки унинг бир қисмига, шунингдек муддатини ўзган ҳолда даврий босма нашрларга обунани расмийлаштириш;

5.2.2. обуначи томонидан имзоланган даврий босма нашрларни бошқа манзилга қайта манзиллаш;

5.2.3. даврий босма нашрларга обунани бекор қилиш;

5.2.4. полиграфик нуқсони бўлган даврий босма нашрларни олганда, даврий босма нашрларнинг тегишли сонини олмаганда, шунингдек, тахририят ёки тарқатувчининг айби билан даврий босма нашрларни етказиб беришнинг муддатларига риоя қилинмаганда, тахририят ёки тарқатувчига мурожаат қилиш ҳамда ўз ҳоҳишига биноан нуқсонсиз даврий босма нашрнинг тегишли нусхасига ёхуд бошқа даврий босма нашрнинг нусхасига алмаштириш, шунингдек, даврий босма нашр ушбу нусхасининг обуна ҳақини қайтаришни талаб қилиш;

5.2.5. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли етказишни «Тарқатувчи»дан талаб қилишга;

5.2.6. «Тарқатувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга;

6. Тарафлар мажбурияти

6.1. «Тарқатувчи» қўйидагиларга мажбур:

6.1.1. «Обуначи» ни «Тарқатувчи» нинг обуна қабул қилиш жойларининг иш тартиби, обуна тартиби ва шартлари, обуна бўйича тарқатиладиган даврий босма нашрларнинг нархлари тўғрисида хабардор қилиш;

6.1.2. Даврий босма нашрларни белгиланган муддатда обуначига етказиб беришни таъминлаш;

6.1.3. Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда «Обуначи» га етказиб берилмаган нусхаларнинг обуна нарҳини қайтариб бериш ёки ҳуду шундай ёҳуд бошқа даврий босма нашр нусхасига алмаштириб бериш;

6.1.4 «Обуначи» га обунанинг расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи обуна ҳужжатини бериш;

6.2 «Обуначи» нинг мажбуриятлари:

6.2.1 «Обуначи» обуна ҳужжатларини тўлдириш буйича «Тарқатувчи» томонидан белгиланган талабларга амал қилиши шарт;

6.2.2. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

6.2.3. Полиграфик нуқсонга эга булган ёки товар кўринишини йукотган даврий босма нашрларнинг тарқатилиши бўйича «Тарқатувчи» ни 1 кун муддатда хабардор қилиш;

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

7.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

8. Низони ҳал қилиш тартиби

8.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг авва тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

8.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

10. Бошқа ҳолатлар

10.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

10.2. Тарафларнинг бошқа талаблари:

10.3. Шартномага илова: Сўрашма

10.4. Мазкур шартнома имзолагандан кейин кучга кириди 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

11. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

«Таъминотчи»

«Обуначи»

«Матбуот тарқатувчи» МЧЖ

Манзил: П.Махмуд 178 уй

Хр 20208000800350558001

Банк: Алоқа банк Урганч ш

МФО: 00401 ИНН 200405573

ОКОНХ: 71210

Тел: 78-770-50-15, 78-770-50-10

Директор в.в.б:

Г.Шарипов

Ҳуқуқшунос:

XORAZM VILOYAT HOKIMLIGI
Manzil: Urganch shahar, Al-Xorazmiy ko'chasi 29-uy
STIR: 201843244, XX101: 97400
Tel: 223-00-12; fax: 223-00-68
SHXR: 1000218653401304201012001
SHXR2
BANK TOSHKENT SH. MARKAZIY BANK HIKM
MOLDA VAZIRLIGI GAZNASHIKI - AGONA - TASHK
X/R 23402000300100001010
MFO 00014 STIR 201122010



И. Якубов

Б У Ю Р Т М А Н О М А

Форма МТ № 16

Текширилди

Ортикчаси йук

Обуна қабул қилинди

Суммаси _____ сум

МТ Бошлиғи _____

(ИМЗО)

Қабул қилинган обуна

суммаси _____

20__ йил _____

20__ йил _____

МТ ҳисобчиси _____

(ИМЗО)

Хороғаз вилояти ҳокимлиги

(корхона, ташкилот, муассасанинг номи)

Манзилгоҳ:

Урганч ш. 16-Хороғаз вилояти ҳокимлиги

тел: *6222-3-0068*

2022 йил январ ойдан

Қуйидаги газета ва журналларга обуна қабул қилишингизни сураймиз

т/р	Нашрларнинг номи	Нусха сони	Неча ойга	Сумма (ККС бн)	Етказиш варақасининг рақами (Мтда тулатилади)
1	<i>Оқча ва табиқас</i>	<i>10</i>	<i>11</i>	<i>4334000</i>	
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
17					
18					
19					
20					
21					
22					
23					
24					
25					
26					
27					
28					
29					
30					
31					
32					
	Ҳами:			<i>4334000</i>	

Обунанинг қиймати даракнома олинганч туланади.

(раҳбар имзоси)

(ҳисобчи имзоси)